# Qishloq hayoti

2013 йил Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi | www.qishloqhayoti.uz | 2013-YIL 15-NOYABR, JUMA, 138 (8219)-son | 1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan | Bahosi kelishilgan narxda.




Рўзимбой Отажонов — тажрибали боғбон. У кишининг иссиқхонасида мевалари салмоғидан эгилиб турган лимон шохлари, тизим-тизим мева берган қора анжир, барқ уриб ўсаётган банан, гулкарам ва турли резавор ўсимликлар киши диққатини тортади...



Юксак технологияли ишлаб чиқариш, сифатли техника, юқори ўсиш суръатлари ва ривожланиш истиқболига эга оғир юк автомобиллари ишлаб чиқараётган замонавий «JV MAN Auto-Uzbekistan» ва «UzAuto Trailer» корхоналари мамлакатимиз иқтисодиётининг янги тармоғини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.



Рақс – асрлар давомида сайқалланган санъат. Унинг тарихи ҳам, жозибаси ҳам бир олам. Куй-қўшиққа ҳаракат, ҳолат, имо-ишораларнинг уйғун бўлиши кишига завқ ва шавқ бағишлайди. Беихтиёр сиз ҳам унга қўшилиб, туйғуларингизни ифода этгингиз келади. Аммо раққосу раққосаларнинг хатти-ҳаракатини кузатар экансиз, бунинг учун катта маҳорат кераклигини англаб етасиз.

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

# ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ТИМСОЛИ



Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

**Инсон яралибдики, бир олам орзу-умидлар билан яшайди. Орзуки, яхши яшасам, ҳаётим гўзал, турмушим фаровон бўлса, дейди. Айниқса, бизнинг халқимизнинг орзулари кўп. Ҳар бир ўзбек йигити, қизи вояга етгач, оила қурсам, ўзимнинг уй-жойим бўлса, дейди. Ўз уйимда фарзандларим дунёга келса, уларни одобли, хушхулқ, меҳнатсевар қилиб ўстирсам, улар эл-юртнинг корига ярайдиган билимли, ақлли бўлиб камол топса... Эҳ-ҳе, орзуларнинг поёни йўқ.**

*Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.*

**(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 43-модда)**




Бир нарса аниқ: мана шу орзу-ҳавасларнинг замирида яхши ниятлар мужассам. Ҳа, халқимизнинг қалби мана шундай эзгу орзу-ўйларга лиммо-лим. Бундай одамларга, элга ҳавас қилса, уни ҳар қанча қўллаб-қувватласа арзийди. Бундай эзгу орзуларнинг амалга ошишида мамлакатимиз Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган қоидалар муҳим омил бўлаётир.

Бугун бизга дунё ҳавас қилаётгани, мустақиллик туфайли халқимиз эришаётган мислсиз ютуқларга, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, бунёдкорликка, аввало, Конституциямизда ўз ифодасини топган ҳуқуқларимиз туфайли эришмоқдамиз. Шу ўринда айрим факт ва рақамларни фахр-ифтихор билан таъкидлагинг келади: Ўзбекистон иқтисодиёти кейинги йигирма йил давомида 3,5 баробардан зиёд ўсди. Ялпи ички маҳсулот аҳоли жон бошига 2,5 баробар ошди. 2008 йилдан буён жаҳонда давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистонда 2008-2012 йилларда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати дунёдаги саноқли давлатлар қаторида 8,2 фоиздан кам бўлмаган даражани ташкил этиб, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлиги ва мутаносиблиги, давлат бюджети ҳамда тўлов балансининг профицит билан бажарилиши, экспорт ва олтин-валюта захираларининг кўпайиши таъминланмоқда.

Халқимиз бундай юксак муваффақиятларга Президентимиз Ислом Каримовнинг узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсати, ўзининг меҳнатсеварлиги, аҳиллиги ва донишмандлиги эвазига эришмоқда. Бу юксак марраларнинг замирида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган ва бутун дунёда кенг эътироф этилган «ўзбек модели» деб ном олган тараққиёт модели мужассам.

Мустақиллик йилларида мустабидлик нималигини билмай ўсган соғлом фикрли, маънавияти бой, янгича дунёқарашга эга янги авлод камолга етди. Бугунги ёшларимиз дунёга теран нигоҳ, ҳушёр ақл билан қарамоқда. Улар катта авлоднинг энг яхши фазилатларини ўзларига сингдирган ҳолда, биз қудратли давлат, янги жамият барпо этамиз, деган олижаноб ният билан дадил ҳаракат қилмоқда. Биз буни ёшларимизнинг илм-фан, санъат ва спортда эришаётган ютуқлари мисолида ҳам кўриб турибмиз.

**(Давоми 2-саҳифада)**



## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2013 йил 14 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлисини шу йил 12-13 декабрда Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига аҳоли турмуш даражасини янада оширишни ва унинг ижтимоий муҳофаза қилинишини кучайтиришни, иқтисодиётнинг юқори ва барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлашни назарда тутадиган Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги, шунингдек, 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисидаги масалаларни киритиш режалаштирилмоқда.

Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилишга ҳамда либераллаштиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунлари киритилмоқда. Бутун бюджет жараёнини янада мунтазамлаштириш ва кодификациялашни, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини оширишни, васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришни назарда тутадиган «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги, «Экологик назорат тўғрисида»ги, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонунлар шулар жумласидандир. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунни, шунингдек, бошқа бир қатор қонунларни кўриб чиқиш назарда тутилмоқда.

Шу билан бир қаторда навбатдаги ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Олий Мажлис Сенати қўмиталарининг ва Девонининг ўн учинчи ялпи мажлисни тайёрлаш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ ишини мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан тегишли ишчи гуруҳ тузилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати**

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

# ДЕПУТАТЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2014 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИ ТАСДИҚЛАДИЛАР

**14 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – молия вазири Р.Азимов ҳамда Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раисининг ўринбосари С.Отамуродов маъруза қилдилар.

Шу нарса таъкидландики, мамлакатимизнинг 2014 йилги Давлат бюджети лойиҳаси 2013 йил январь ойида ўтказилган Ҳукумат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ҳамда жорий йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларининг прогноз баҳоси асосида ишлаб чиқилган. Бюджет лойиҳаси иқтисодиётнинг барқарор юқори суръатларда ўсишини, иқтисодий барқарорликни, экспорт ўсишининг мувозанатлаштирилган кўрсаткичларини, ташқи савдо ва тўлов балансининг ижобий сальдосини сақлаб қолишга, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилгандир. Айни бир вақтнинг ўзида 2014 йилда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш миқёсларини жадаллаштириш ва кенгайтириш ҳамда йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш дастурларини фаол амалга ошириш давом эттирилади.

2014 йилда ялпи ички маҳсулот 108,1 фоизга, саноат маҳсулоти 108,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш 106 фоизга ва капитал қўйилмалар 109,5 фоизга ўсиши назарда тутилмоқда. Давлат бюджети лойиҳасида юридик шахсларнинг фойдасидан олинадиган солиқнинг базавий ставкасини 9 фоиздан 8 фоизга камайтириш назарда тутилмоқда, бу эса 132 миллиард сўмни корхоналар ихтиёрида қолдириш имконини беради. Жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ бўйича даромадларга солиқ солишнинг энг кам ставкасини 8 фоиздан 7,5 фоизга камайтириш назарда тутилмоқда.

Мамлакатимизнинг келгуси йилдаги асосий молиявий ҳужжати аниқ ижтимоий йўналишга эга. Унда ижтимоий соҳа, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият соҳаларини янада ривожлантиришга, умуман, меҳнат ҳақини жадал оширишга, манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлашга катта эътибор қаратилган. Чунончи, 2014 йилда таълим соҳасига ажратиладиган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 7,5 фоизини, соғлиқни сақлашга ажратиладиган харажатлар эса ЯИМнинг 3,1 фоизини ташкил этади, бу эса баркамол ва соғлом авлодни вояга етказиш, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш бўйича қабул қилинган дастурларда назарда тутилган тадбирларни тўлиқ ҳажмда молиялаштириш имконини беради. Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун сарфланадиган харажатлар 2013 йилдаги 59,3 фоиздан 2014 йилда 59,6 фоизга кўпаяди.

Фуқароларни ижтимоий таъминлашга ажратиладиган харажатларни ошириш кўзда тутилмоқда. Ижтимоий нафақалар тўлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш, шунингдек, компенсация тўловларига сарфланадиган харажатлар ЯИМга нисбатан 1,4 фоиз миқдорида назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 майда қабул қилинган қарори билан тасдиқланган 2011-2015 йилларда Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда янги тиббий-ижтимоий муассасалар қурилиши ва мавжудларини таъмирлаш ҳамда ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга доир тадбирларни молиялаштириш, аҳолининг ушбу тоифаларини мақсадли даволаш ва соғломлаштиришни амалга ошириш, шунингдек, уларнинг уй-жой маиший шароитларини яхшилаш учун Давлат бюджетидан маблағлар ажратиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизнинг 2014 йилги Давлат бюджети лойиҳасида кам ҳосил берадиган ерларда пахта етиштирувчи фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, шу жумладан қишлоқ жойларда йўлларни буткул ва жорий таъмирлаш ҳам назарда тутилган.

Давлат бюджетидан молиялаштириладиган марказлаштирилган инвестициялар ҳажми 1,5 триллион сўмни ёки ЯИМга нисбатан 1,0 фоизни ташкил этади, ушбу маблағлар қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлашга ва янги ташкил этилаётган турар-жой массивларида ижтимоий инфратузилма объектларини ва ички йўллар барпо этишга йўналтирилади. Хусусан, қишлоқ жойларда намунали лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастурига кўра 2014 йилда барпо этиладиган 11000 та турар-жой қурилишини молиялаштириш учун Давлат бюджетидан ЯИМга нисбатан 0,5 фоиз миқдорида маблағ ажратиш, шу билан бир қаторда якка тартибдаги уй-жой қурувчиларнинг ва Осиё тараққиёт банки заёмининг маблағларини сарфлаш назарда тутилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, касаначилик ва оилавий тадбиркорликнинг турли шаклларини кенгайтириш, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари ва лицейларнинг битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳисобига Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш – мамлакатимизни келгуси йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. 2014 йилда 983,6 мингта янги иш ўринлари ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Давлат молиявий маблағларини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланилишини кучайтириш ва давлат томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида 2014 йил 1 январдан бошлаб 2014-2015 йилларда синаб кўриш учун Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини амалга киритиш назарда тутилмоқда. Ана шу давр мобайнида заруратга қараб ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб борилади.

Бюджет кодексини амалга киритишдан асосий мақсад – амалиётдаги мавжуд қарама-қаршиликлар ва эскириб қолган нормаларни бартараф этиш, шунингдек, амалиётда қўлланиладиган нормалар, қоидаларни, бюджет жараёни қатнашчиларининг ваколатларини тизимлаштириш имконини берадиган ягона қонун ҳужжатида бутун бюджет жараёнини тизимлаштиришдан иборатдир.

2014 йилги Давлат бюджети лойиҳаси сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг, Қонунчилик палатаси қатор қўмиталарининг йиғилишларида Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар вакиллари иштирокида олдиндан муҳокама қилинди. Муҳокамалар чоғида мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг сўзсиз бажарилишига қаратилган кўплаб амалий таклифлар билдирилди.

Савол-жавоблардан сўнг мамлакатимизнинг 2014 йилги Давлат бюджети лойиҳаси атрофлича муҳокама этилди, ушбу муҳокама давомида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини, таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданиятни, жамиятимиз ҳаётининг бошқа соҳаларини ривожлантириш дастурларини ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштириш муҳимлигини таъкидлаб ўтдилар.

Чунончи, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш муҳимлигини таъкидладилар. Жумладан, 2014 йилда иқтисодиёт зиммасидаги солиқ юки 0,5 фоизга камайтирилиши таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, ЎзЛиДеП ўзининг Сайловолди дастури низомларидан келиб чиққан ҳолда фермерлик ҳаракати вакилларининг манфаатларини ҳимоя қилиб, ноқулай табиий шароитларда пахта етиштирувчи фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун ажратилган Давлат бюджети харажатлари 2014 йилда жорий йилдагидан 26 миллиард сўмга ортганини кўрсатиб берди, бу эса ноқулай табиий шароитларда пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлилигини ошириш имконини беради.

**(Давоми 2-саҳифада)**

Самарқанд Вилояти

# ВИЛОЯТ ҲОКИМИ БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ

***Самарқанд вилояти телерадиокомпаниясида вилоят ҳокими З.Мирзаевнинг аҳоли билан бевосита мулоқоти ўтказилди.***

Мулоқот Президентимизнинг 2013 йил 20 мартдаги фармойиши асосида жорий йилда Самарқанд ва Бухоро вилоятларида тажрибадан ўтказилаётган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси талабларидан келиб чиқиб ташкил этилди. Қонун лойиҳасининг 6-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи ваколатланган мансабдор шахсларининг чиқишлари ва баёнотлари мазкур органлар фаолияти тўғрисидаги ахборот манбалари сифатида белгилаб қўйилган.

Бевосита мулоқот аввалида вилоят ҳокими "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент жараёни, вилоятда 2013 йил Инвестиция дастурининг бажарилиши ҳамда касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

**(Давоми 2-саҳифада)**

# ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ТИМСОЛИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Тошкентдан Қаршигача анча йўл. Аммо замонавий йўлларнинг текислиги, ҳавонинг очиқлиги, ҳар қандай кишининг ҳавасини тортадиган гўзал манзаралар сабаб масофанинг узоқлиги ҳам билинмайди. Ўлкамизда олтин куз. Деҳқону соҳибкор далалардаги мўл ҳосилни – ризқ-рўзини йиғиштирмоқда.

Йўл-йўлакай кишини хурсанд қиладиган, кўзга хуш ёқадиган яна бир гўзал манзара эътиборимизни тортади. Бу – Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қишлоқларимизда замонавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган бир-биридан чиройли янги уйлар. Халқимиз уларни ҳақли равишда "Президент уйлари" деб атаётир. Бундай уйларни бутун йўл бўйлаб – Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида кўрдик. Улар денгиз узра сузиб бораётган мўъжаз кемалардай ярқлаб, кўзни қувонтириб турибди.

– Бу уйлар, ҳақиқатдан ҳам, жонинг роҳати экан, – дейди Шаҳрисабз туманида қурилган шундай уйлардан бирига яқинда кўчиб келган ёш иқтисодчи Азамат Яхшимуродов. – Уларда барча шарт-шароит муҳайё. Электр, газ, сув, йўллар – барчаси бор. Бундай уйни кўпдан буён орзу қилар эдик. Қишлоқда ҳам шаҳардагидан қолишмайдиган барча қулайликларни яратаётгани учун Президентимиздан беҳад миннатдормиз!

Дарвоқе, жаҳоннинг кўплаб давлатларида уй-жой аҳолининг энг ўткир муаммоларидан бири бўлиб турган, глобал молиявий-иқтисодий инқироз сабаб турар-жойлар қурилиши кескин қисқараётган бир пайтда Ўзбекистонда бу борадаги бунёдкорлик ишлари кўлами тобора кенгаймоқда. Уй-жой қурилиши ва инфратузилма ривожи нафақат ижтимоий масалаларни ҳал этиш, балки миллий иқтисодиётни тараққий эттиришнинг муҳим воситаси ҳамдир.

Президентимизнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мамлакатимиздаги бундай бунёдкорлик ишларида муҳим омил бўлмоқда. Миллий анъаналаримиз ва замонавий талабларни ўзида мужассам этган намунавий лойиҳалар асосида барпо қилинаётган янги уйлар кўримсиз қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Ўтган вақт мобайнида ўттиз мингга яқин оила ана шундай қулай ва кўркам уй-жойларга кўчиб ўтди. Биргина 2012 йилда мамлакатимизнинг 272 қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 8510 уй-жой қурилди. Янги массивларда ўнта мактаб, ўттизга яқин қишлоқ врачлик пункти, етмишдан зиёд маҳалла гузари, юздан ортиқ савдо мажмуаси, ўттизга яқин мини-банк, ўттиз бешта деҳқон бозори, бир юз йигирмадан ортиқ ишлаб чиқариш цехи ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд этилгани бунинг яққол далилидир.

Ҳозирги вақтда юртимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизи қишлоқ жойларда истиқомат қилаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу соҳада ҳал қилиниши лозим бўлган вазифаларнинг кўлами ва миқёсини тасаввур этиш қийин эмас.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қуришнинг жуда кўплаб афзалликлари бор. Аввало, аҳолига якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бир оилага 6 сотих ҳисобида умрбод мерос қилиб олиш ҳуқуқи билан бепул ажратилаётганини алоҳида таъкидлаш керак. Бу уй-жойлар муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари билан биргаликда барпо этилаётир. Давлат ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан автомобиль йўллари, ички коммуникация тармоқларини қуриш, сув, газ ва электр энергия таъминотини йўлга қўйиш амалга оширилаётир. Мактаблар, болалар боғчалари, қишлоқ врачлик пунктлари, савдо шохобчалари ва спорт иншоотлари ҳам намунавий лойиҳалар асосида барпо этилмоқда.

Бундай уйларни харид қилувчилар учун бир қатор имтиёзлар яратилган. Масалан, уй олувчи дастлабки бадал сифатида уй қийматининг 25 фоизи миқдоридаги ўз маблағини тўлайди. Унга қулай шартлар асосида узоқ муддатга – 15 йилга имтиёзли фоиз ставкаси бўйича 7 фоиз миқдорида ипотека кредити берилади. Бу Ўзбекистон Марказий банкининг йиллик қайта молиялаш ставкасидан пастдир. Айни пайтда "Қишлоқ қурилиш банк" кредитлари ҳисобидан якка тартибда уй-жой қураётган қишлоқ аҳолиси ипотека кредитларини қайтариш ва уларнинг устама фоизларини қоплашга йўналтириладиган даромад солиқларини тўлашдан озод этилган.

Қишлоқ жойларда уй-жой қуришда иштирок этаётган "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси, пудратчи ташкилотлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган ихтисослаштирилган корхоналар барча турдаги солиқлар ҳамда мақсадли давлат фондларига мажбурий ажратмалар, олиб келинаётган қурилиш техникаси ва кичик механизация воситалари учун божхона тўловларини тўлашдан озод этилган. Бу қишлоқ аҳолиси учун қурилаётган уй-жойлар нархини сезиларли равишда камайтириш имконини бермоқда.

Айтинг: бундай кенг кўламли имтиёзлар, имкониятлар, қулайлик ва ғамхўрлик жаҳоннинг яна қайси мамлакатида бор?!

Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, 2013 йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойларни қуриш дастурига мувофиқ қиймати 1,2 триллион сўм ҳажмдаги инвестициялар ўзлаштирилиб, 5,5 мингта уй қуриб битказилган. Мамлакатимиз бўйича 8,4 миллион квадрат метр (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 115,1 фоиз), шу жумладан, қишлоқ жойларда 6,3 миллион квадрат метр уй-жой (115,2 фоиз) фойдаланишга топширилди.

Бунга энди "Обод турмуш йили" Давлат дастурига мувофиқ тижорат банкларининг маблағлари эвазига ҳудудларда барпо этилаётган 105 кўп қаватли турар-жой биносини қўшинг. 2013-2015 йилларда фойдаланишга топшириладиган ушбу квартиралар ипотека кредитлари воситасида уч йиллик имтиёзли давр билан фоиз ставкаси Ўзбекистон Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда ёш оилаларга берилади. Бундай ипотека кредитидан фойдаланаётган ёш оилаларнинг даромадларидан солиқ олинмайди.

"Ипотекабанк"дан маълум қилишларича, 2013 йилда Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида йигирмата кўп қаватли уй қурилишини молиялаштириш учун пудратчи қурилиш ташкилотларига 61,7 миллиард сўм ажратилган. Ўтган тўққиз ойда уйларнинг ўнтаси фойдаланишга топширилган. Йил охирига қадар яна бештасини эгаларига топшириш режалаштирилган. 2014-2015 йилларда 865 хонадонли ўттизта кўп қаватли уй қурилиши молиялаштирилади.

Илгари фақирлигимиз билан фахрланар эдик. Бугун давлатимиз раҳбари фаровон яшанглар, чиройли уйлар қуринглар, қишлоқларимиз обод бўлсин, деб турибди. Қишлоғу шаҳарларимизда замонавий уйлар қурилаётир. Илгари четга чиқсак, ривожланган давлатлардаги қулай шарт-шароитни кўриб, "оғзимиз очилиб қоларди". Энди манаман деган мамлакатлардан келган сайёҳлару мутахассислар Ўзбекистондаги бунёдкорлик ишларининг кўламию самараларини, замонавий уй-жойларимизни, бири-биридан обод ва фаровон шаҳару қишлоқларимизни кўриб, ҳаваси келаётир.

Ҳа, Ўзбекистон – энг буюк, энг эзгу орзулар ушаладиган мамлакат!

**Абдужалол ТАЙПАТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ДЕПУТАТЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2014 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИ ТАСДИҚЛАДИЛАР

**(Боши 1-саҳифада)**

Шунингдек, сув хўжалиги объектларини таъминлашга сарфланадиган харажатлар ЯИМга нисбатан 1,1 фоиз миқдорида кўзда тутилганлигига, бу эса жорий йилдагига нисбатан 16,2 фоизга кўпроқ эканлигига эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари мамлакатимизнинг келгуси йилги асосий молиявий ҳужжати ижтимоий жиҳатдан аниқ йўналтирилганлигига алоҳида эътибор қаратдилар. Шу мақсадда ажратилаётган катта миқдордаги бюджет маблағлари иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар ва ижтимоий тўловлар миқдорларини янада ошириш орқали аҳолининг фаровонлигини изчил равишда яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш имкониятини яратади. Шунингдек, жисмоний шахслар даромадидан олинадиган энг кичик солиқ ставкасининг 0,5 фоизга пасайтирилиши аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Шу билан бирга Давлат бюджетининг даромад қисмида режалаштирилган маблағларнинг келиши, шунингдек, ундан самарали фойдаланилиши, айниқса аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтириладиган бюджет маблағлари устидан парламент назоратини янада кучайтириш зарурлиги тўғрисидаги таклиф билдирилди. Бу нуқтаи назардан халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг депутатлар корпуси билан ҳамкорликни йўлга қўйиш зарурлиги тўғрисида таклиф билдирилди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» Демократик партиясидан сайланган депутатлар 2014 йилги бюджет солиқ-сиёсати концепцияси ва Давлат бюджети лойиҳасида жаҳон иқтисодиётида мураккаб жараёнлар ва салбий ҳолатлар давом этаётган шароитда мамлакатимизни барқарор ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида ички талабни қондиришни рағбатлантиришга қаратилган кенг кўламли тадбирларни амалга ошириш назарда тутилаётганлигини таъкидладилар.

Жаҳон бозорларидаги ноқулай конъюнктура шароитларида мамлакатимиздаги маҳсулот экспорт қилувчи корхоналарни янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари амалга оширилаётганлиги жуда муҳим эканлиги таъкидланди.

Шунингдек, туризм ва хизматлар кўрсатиш соҳаларини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирларнинг қабул қилиниши маҳаллий бюджет даромадларининг ошишига ва минтақаларнинг иқтисодий салоҳияти мустаҳкамланишига кўмаклашиши айтиб ўтилди.

«Адолат» Социал-демократик партияси фракцияси аъзолари мамлакатимизнинг илмий-техник салоҳияти тўлиқ амалга ошиши мумкин бўлган инновацион типдаги иқтисодиётни яратиш энг муҳим вазифа деб ҳисоблайдилар. Шу билан бирга фракция иқтисодиётни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта қуроллантириш чора-тадбирларига муҳим аҳамият бермоқда.

Фракциянинг фикрича, иқтисодиёт фан ва техниканинг энг замонавий ютуқларига, иқтисодий жараёнларни самарали бошқаришга ҳамда таълим тизимига таяниши керак. Шу муносабат билан 2014 йилда фанга ажратиладиган харажатлар ЯИМга нисбатан 0,1 фоиз миқдорида ёки 2013 йилдагига нисбатан 1,2 баравар ортиқ эканлиги муҳимдир.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар аҳоли пунктларини ободонлаштириш, аҳолини ичимлик суви, экологик жиҳатдан тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ишларини давом эттириш муҳимлигини таъкидлаб ўтдилар. Ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялашни амалга ошириш чоғида атроф-муҳитни муҳофаза қилишни ҳам унутмаслик даркор. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги айрим корхоналар раҳбарларининг белгиланган экологик нормаларини бузганлик учун жавобгарлигини янада кучайтириш муҳимлиги уқтирилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокама давомида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджетини тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси**
**Қонунчилик палатасининг**
**Ахборот хизмати**

# ВИЛОЯТ ҲОКИМИ БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

**(Боши 1-саҳифада)**

Қайд этилишича, 2013 йилда вилоятнинг етти тиббиёт бирлашмасида капитал таъмирлаш ва реконструкция ишлари олиб борилмоқда. 53 умумтаълим мактаби реконструкция қилиниб, ўн биттаси капитал таъмирланди. 2013 йилда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури асосида 94 мингга яқин янги иш ўрни яратиш режалаштирилган бўлиб, йилнинг ўн ойи давомида 81 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этилди. Жумладан, вилоятдаги 158 касб-ҳунар коллежини юздан ортиқ мутахассислик бўйича битирган 60 минг 794 нафар ўғил-қизни ишга жойлаштириш ва тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун имконият яратилди.

– Онлайн тарзида очиқ мулоқот ўтказилиши ҳақида бир ҳафта олдин вилоятдаги барча оммавий ахборот воситаларида эълон берилди, – дейди вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Манноб Ибодуллаев. – Натижада бир ҳафта ичида аҳолидан 450, ҳокимликнинг интернетдаги веб-сайти орқали юздан ортиқ мурожаатлар қабул қилинди. Кўрсатув чоғида студиядаги телефонлар ва электрон манзил орқали икки юзга яқин савол олинди. Шунингдек, Самарқанд шаҳридаги айрим жамоат жойларида катта мониторлар ўрнатилиб, аҳоли ушбу телемулоқотни бевосита кузатиб бориш ва студияга боғланиб, савол билан мурожаат қилиш имкониятига эга бўлди. Фуқароларнинг саволларига вилоят ҳокими ҳамда студияда жам бўлган вилоятдаги тегишли бошқарма ва идоралар раҳбарлари жавоб қайтарди.

Мазкур бевосита мулоқот чоғида баён этилган фикрлар, таклиф ва ташаббуслар фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги тобора ошиб бораётгани ҳамда улар жамиятдаги ўзгаришларга бефарқ эмаслигидан далолат беради. Бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш ҳамда аҳоли хабардорлиги даражасининг ўсишига хизмат қилади.

**Ғ.ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Наманган Вилояти

МЕЛИОРАЦИЯ

# АРДОҚЛАНГАН ЗАМИН САХОВАТИНИ ОЧАДИ

**Мингбулоқ туманидаги "Файзимуҳаммад ота Ч" фермер хўжалиги аъзолари жорий мавсумда 195 гектар ерда ғўзанинг "С-6524" навини парвариш қилишди. Йил давомида қилинган фидокорона меҳнат самараси ўлароқ 568 тонналик пахта хирмони бунёд этилди. Ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга сотилди.**



— Қўлга киритилган меҳнат ютуғимизнинг муҳим омилларидан бири ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланганида деб биламиз, — дейди фермер Баҳодир Чилматов. — Боиси, хўжалигимиз экин майдонларининг асосий қисми шўрхок. Ернинг захи қочса, тупроқ унумдорлиги ошади. Бу жабҳада фидойилик билан меҳнат қилаётган барча мелиораторларга миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Ҳа, бугун кўплаб фермерлардан бу каби мамнунликни эшитишимиз мумкин. Боиси, ер соғломлашиб, саховатини очмоқда. Сирасини айтганда, Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан Наманган вилоятида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

— 2008-2012 йилларга мўлжалланган махсус Давлат дастури асосида ўтган давр мобайнида вилоятимиз бўйича 91778 гектар суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун 173,4 километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда 4897 километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқларини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари амалга оширилди, — дейди "Норин-Сирдарё" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Баҳодир Охунов. — Жумладан, Мингбулоқ туманида 34632 гектар суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 25,3 километр узунликдаги коллекторларни қуриш ва реконструция қилиш ҳамда 1737,7 километрли коллекторларни тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари бажарилди. Президентимизнинг жорий йил 19 апрелдаги "2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан бу каби ишлар изчил давом эттирилаётгани эса фермерларимизни янада ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилишга ундамоқда.

Ҳақиқий деҳқон ҳар доим ерини ўйлайди. Ерга меҳр берилсагина, у саховатини очади. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилаётган эътибор фермерларни руҳлантираётганининг боиси ҳам шунда.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Хоразм Вилояти

ИЗЛАНИШ

# БАРЧАГА МАНЗУР, ВОҲАДА МАШҲУР

## РЎЗИМБОЙ ОТАЖОНОВНИНГ БОҒИДА ЯПОН САФОРАСИДАН ТОРТИБ БАНАНГАЧА ЎСМОҚДА

**Ҳозирда воҳада машҳур, республикамиз боғбонларига ҳам танилиб бораётган бу боғ истиқлол яратаётган имкониятлар самарасидир. Қишлоқ хўжалиги соҳасида бошланган ислоҳотлар моҳиятини илк йиллардаёқ англаган Рўзимбой Отажонов боғи ва қўшимча томорқасида мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатлари етиштириш, уларни пайвандлаш орқали янги турларни яратишни ният қилди.**

Орадан бир қанча вақт ўтгач, Рўзимбой ака Шовот туманида "Рўзимбой Ҳаётбек" боғдорчилик фермер хўжалигини ташкил қилди. Бугунга келиб, унинг хўжалигида ўстирилаётган мевали ва манзарали дарахтлар тури 100 тадан ошди. Хўжалик майдони 14 гектарга тенг.

63 баҳорни қаршилаётган Рўзимбой ака ўқиб-ўрганишдан, изланишдан сира чарчамайди. Кўчатларни воҳа иқлим ва тупроқ шароитига мослаштириш, кўпайтириш йўлларини излайди. Шу боисдан боғнинг 2 гектарлик қисми гўёки тажриба майдони. Бу ерда туя дарахтининг 4 тури — 6 минг дона кўчат ўстирилмоқда. Шунингдек, можжевельник, метаскас (хитой дарахти) арчанинг бир неча тури уруғидан кўпайтирилиб, каттагина майдонда кўчатзор ҳосил қилинган. Янги ўстирилаётган дарахт сифатида 50 туп крим қарағайи ва унга пайванд қилинган бир неча туп гужумни кўришингиз мумкин. Серсоя, чиройлилиги ва узоқ яшашлиги билан воҳанинг ўзига хос қадимий дарахти ҳисобланган гужум янада чидамли бўлиши учун асрлар мобайнида қорамон дарахти кўчатига пайванд қилинган.

Рўзимбой аканинг изоҳ беришича, қарағайга пайванд қилинса, тез ўсади ва зараркунанда ҳашаротлар унга йўламайди.

Ҳазорасп ёки Карвақ олмаси деб номланган, кўриниши ва ширинлиги қиш фаслида ҳам янги узилгандек таъмини йўқотмаслиги билан барча турдошларидан устун турувчи олма дарахти фақат Ҳазорасп туманидаги Карвақ қишлоғининг муайян ҳудудида ўсади. Ҳатто шу қишлоқнинг бошқа жойида ўсган олма ҳам шу таъмни бермаслиги исботланган.

Рўзимбой ака бунинг устида кўп бош қотирди. Карвақ олмасини ўз-ўзига бир неча бор пайванд қилди. Ниҳоят, 6 маротаба такрорланган пайванд ўз самарасини берди, олманинг таъми Карвақ олмаси таъмига яқинлашди.

Ҳа, етук мутахассис, тажрибали боғбоннинг янги тур мевалар яратиш, янги боғлар ташкил қилиш, турфа гуллар, доривор ўсимликлар ва уларнинг уруғлари билан таъминлашдаги хизматлари эътирофга лойиқ. Унинг бевосита ёрдами билан ташкил қилинган боғлар майдони минг гектардан ошади. Бундан ташқари,





Рўзимбой ака Тошкент шаҳри, Андижон, Бухоро, Сирдарё, Тошкент вилоятларига бир неча минг туп япон сафораси кўчатларини етказиб берган. Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл, Элликқалъа, Беруний туманларида юзлаб янги боғлар пайдо бўлиши ва уларни турли хил мевали дарахтлар билан бойитишда боғбонимизнинг ҳиссаси катта. 2009-2010 йилларда вилоят маркази Урганч шаҳридаги марказий майдоннинг манзарали дарахтлар, гуллар билан бурканишига ҳам Рўзимбой ака бош-қош бўлди. Бугун шаҳар кўчаларига чирой қўшиб турган пинония, катарантус, сальвия, қан (чой барги) каби гуллар айнан унинг боғида кўпайтирилган. Келгуси йилда манзарали дарахт кўчатлари қаторидан туркман арчаси ҳам ўрин олади. Р.Отажоновнинг сўзларига қараганда, келгуси йил 40 минг туп кўчат пайванд қилинади. Уруғидан кўкариб чиқадиган мевали ва манзарали дарахт кўчатлари сони 50 минг тупдан ошади.

Рўзимбой аканинг ердан унумли фойдаланиши, танлаб чатиштириш орқали дарахтлар ҳосилдорлигини ошириш, мевалар сифатини яхшилаш ҳақидаги суҳбати чорбоғида ташкил қилинган иссиқхонада давом этди. Бу ерда мевалари салмоғидан эгилиб турган лимон шохлари, тизим-тизим мева берган қора анжир, барқ уриб ўсаётган банан, гулкарам ва турли резавор ўсимликлар киши диққатини тортади.

Беихтиёр она заминимиз сахийлигию инсон билими ва тажрибаси уйғунлиги самараси, боғбоннинг яратувчанлик иштиёқи, шижоатли меҳнати, юрт ободлигию кишиларимиз дастурхонини мўл-кўл қилиш йўлидаги фидойилигига таҳсинолар айтгингиз келади. Бу ерда цитрус ўсимликларидан меваси хушхўр, парҳез ва доривор хусусиятларга эга лимон, апельсин, мандаринларнинг бир неча навлари ўсиб, мева бермоқда.

Рўзимбой ака ташкил қилган иккинчи иссиқхонага кирганимизда, тупроқдан атиги 5-10 сантиметр юқоридаги шохчаларда пишай деб турган лимонларни кўриб таажжубландик. Буни сезди шекилли, Рўзимбой ака тушунтира бошлади:

— Мана бу илк шохчалар меваси. Келгуси йилдан ундан юқоридаги шохчалар ҳам мевага киради. Буларни шундай ўстирмоқдаманки, бўйи 2 метрча келганида ҳар бир тупи минг донадан мева беради.

Лимонни бозорларимиздаги нархини билган кишига 2 метр оралиғида ўсаётган бир туп дарахтдан қанча даромад келишини тушунтиришга ҳожат бўлмаса керак. Рўзимбой аканинг яратувчанлик ишларига ўғли Ҳамза, қишлоқ ёшларидан Бахтиёр, Ўктамбой, Баҳромлар яқиндан мададкор бўлмоқда.

— Шогирдларим кўчатларни пайвандлаш, дарахтларга шакл бериш каби ишларда мендан ҳам ўзиб кетяптилар, — дейди Рўзимбой ака.

Ҳа, Рўзимбой ака Отажоновдай фидойи кишилар меҳнатлари билан яратилаётган боғ-роғлар юртимизни тобора гўзаллаштирмоқда, дастурхонимизга барака киритмоқда.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# «MAN-UZBEKISTAN»: МАҚСАД – САМАРАДОРЛИКНИ ЯНАДА ОШИРИШ

**Транспорт – иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи асосий кучдир. Шу боис, дунёдаги аксарият мамлакатлар иқтисодий, ижтимоий ва илмий-техник тараққиётнинг асосий йўналишларидан бўлган автомобилсозликни ривожлантиришни устувор йўналишлардан бири деб билади. Транспорт саноатининг муҳим таркибий қисмларидан бири – юк автотранспортлари ишлаб чиқариш халқ хўжалиги тармоқлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Сўнгги йилларда барқарор ўсиш суръатларини сақлаб келаётган Ўзбекистон иқтисодиётида юк ташиш автотранспорти муҳим ўрин тутади.**



Ўзбекистон автомобилсозлиги миллий иқтисодиётимизни юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшаётир. Бугунги кунда ушбу тармоқ олдига рақобатбардош ва экспортбоп автомобиллар ишлаб чиқариш, истеъмолчилар эҳтиёжи инобатга олинган ҳолда, уларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва моделларини мунтазам янгилаш, турли автомобиль эҳтиёт қисмлари тайёрлашни ўзлаштириш каби кенг кўламли вазифалар қўйилган.

Бундай вазифаларни давр талабига кўра ва автомобилсозлик технологик жиҳатдан ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда, ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар билан ҳал этиш мақсадга мувофиқдир. Яқинда ташкил этилган «JV MAN Auto-Uzbekistan» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси бунга ёрқин мисол бўла олади. Бу ерда 15 тоннадан 50 тоннагача юк кўтариш қувватига эга замонавий ва ишончли MAN юк машиналари ишлаб чиқарилмоқда.

**ҚУРИЛИШ ҚАНДАЙ БОШЛАНГАН**

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 16 февралда қабул қилинган «Оғир юк кўтарадиган автомототранспорт воситаларини ишлаб чиқаришни келгусида ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистонда оғир юк кўтарадиган MAN автомобилларини ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш комплекси қурилишига асос солинди.

Самарқандда атиги олти ой ичида MAN дилерлик ва сервис маркази ташкил этилди. Қисқа вақт давомида оғир юк кўтарадиган автомобилларни техник кўрикдан ўтказиш ва таъмирлаш, механик, электр техник ва шиналарни монтаж қилиш ишларини амалга ошириш учун замонавий сервис корхонаси фаолияти йўлга қўйилди.

Ушбу ихтисослаштирилган марказ бир йилда 1,5 мингдан ортиқ юк автомобили ва махсус техникани таъмирлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Келажакда бу кўрсаткични йилига 4 мингта юк автомобили ва автобусга етказиш кўзда тутилаётир.

Бундан ташқари, унинг ҳузурида ташкил қилинган тайёрлов ва малака ошириш марказида юк автомобилларига сервис хизмати кўрсатадиган механик ва чилангарлар ўқитилмоқда. Бу ерда хавфсиз ва самарали бошқариш бўйича MAN ProfiDrive махсус дастури асосида оғир юк кўтарадиган техника ҳайдовчилари тайёрланмоқда. Ҳайдовчиларни ушбу тизим асосида ўқитиш эса ёқилғининг 20-30 фоизини тежаш, ҳаракатлантирувчи қисмлар ва трансмиссия элементларининг хизмат муддатини узайтириш, автомобилни хавфсиз бошқариш имконини беради.

**РИВОЖЛАНИШ**

2012 йилнинг июль ойида Самарқандда тягач, шасси ва махсус техника ишлаб чиқарадиган янги заводнинг ишга туширилиши Ўзбекистонда MAN русумидаги техника ишлаб чиқариш ва сотишдан кейин хизмат кўрсатиш бўйича универсал комплексни ташкил этишнинг иккинчи босқичи бўлди.

«JV MAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонаси бош директори ўринбосари Ёлқин Қобулниёзовнинг таъкидлашича, 2011 йил охирида корхонанинг ишлаб чиқариш линияси атиги тўрт русумдаги юк машинасидан иборат бўлган бўлса, бугун 50 турдан ортиқ махсус юк машиналари ва махсус техника ишлаб чиқарилаётир. Компания бундан кейин ҳам турли русумдаги автомобиллар ишлаб чиқаришда мижозларнинг истакларини алоҳида эътиборга олади.

Айниқса, корхонада ишлаб чиқарилаётган автокранлар, бортли машиналар, изометрик фургонлар, сув ташиш машиналари, комбинацияланган йўл машиналари, канал тозалаш машиналари, бетон қоригич, буғдой, пахта ва чиқинди ташиш машиналарига талаб катта.

Жорий йилда корхонада 25-30 тонна юк кўтарадиган самосваллар, комбинацияланган йўл машинаси, 25м³ сиғимга эга FAUN чиқинди ташиш машинаси, 6 ва 8 м³ сиғимга эга Betamix миксерлари ҳамда 35 м³ сиғимга эга цемент ташиш машинасини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

MAN юк машиналарининг қудратини автомобиль ва темир йўлларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш, шаҳарлараро юк ташишда кўриш мумкин. Улардан «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси, GM Uzbekistan, «Махсустранс» давлат унитар корхонаси, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси, «Ангрен» логистика маркази, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» очиқ акциядорлик жамияти, «12-трест» қурилиш компанияси, «Бекободцемент» очиқ акциядорлик жамияти, Навоий ҳамда Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари ва бошқа кўплаб корхоналар, жумладан, хусусий компаниялар самарали фойдаланмоқда.

Заводда ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин кенгайиб бораётир. 2010 йилда корхонада 480 дона юк машинаси ишлаб чиқарилган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 658, 2012 йилда мингдан ортиқни ташкил қилди. «JV MAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонаси фаолият кўрсатаётганидан буён бу ерда 3100 дан зиёд замонавий юк машинаси ишлаб чиқарилган.

Бугунги кунда Тошкент, Қўқон, Самарқанд, Бухоро, Қарши ва Урганч шаҳарларида жойлашган корхонанинг тўққизта дилерлик ҳамда сервис марказида заводда тайёрланган MAN юк машиналарини харид қилиш мумкин ва уларда сифатли техник хизмат кўрсатилмоқда. Яқин вақт ичида бундай марказлар мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида ҳам ташкил этилади.

«JV MAN Auto-Uzbekistan» автомобиллари мустаҳкамлиги, тежамкорлиги ва ишончлилиги билан ажралиб туради. Компания ишлаб чиқарган маҳсулоти учун икки йил кафолат беради. Бу эса истеъмолчи учун ниҳоятда муҳимдир. Шу боис, корхонада тайёрланаётган техника конвейернинг ўзидаёқ сотилмоқда. Бунга Самарқандда жойлашган MAN техникасини ишлаб чиқариш ва сотишдан кейин хизмат кўрсатиш бўйича универсал комплексга борганимда ишонч ҳосил қилдим.



Корхона фаолият бошлаганидан сўнг бир йил ўтмасдан туриб ўзининг мингинчи юк машинасини ишлаб чиқарди. Бу корхона жамоаси ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Улар MAN юк автомобилларига талаб кун сайин ортиб бораётгани боис, ҳали қилинадиган ишлар кўплигини яхши билади. Экспорт кўлами ҳам кенгайиб бораётир. Самарқандда ишлаб чиқарилган юк машиналари Озарбайжон, Афғонистон, Қозоғистон, Туркманистон ва бошқа давлатларга етказиб берилди.

Жорий йил кузда «MAN Truck and Bus AG» компанияси бош ижрочи директори Андрес Олоф Нильсен раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистонга расмий ташриф билан келди. Концерн раҳбариятининг ташрифи давомида мамлакатимиз ва минтақада «JV MAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонасини ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

«JV MAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонасида MAN юк автомобилларининг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ишлари ҳам бошланди. Айни пайтда маҳаллийлаштирилаётган деталларнинг бир қисми Германияда MAN талабларига мувофиқлик бўйича синовдан ўтказилмоқда.

Маҳаллийлаштиришни янада ривожлантириш мақсадида шу йил 11 октябрда Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида «MAN автомобиллари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш» мавзусида тақдимот бўлиб ўтди. Мазкур тадбир автомобиль эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарадиган компанияларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида тайёрлаш режалаштирилаётган деталлар рўйхати билан таништириш учун ташкил этилди.

Ушбу тадбирда MAN юк машиналари учун маҳаллийлаштириш таклиф этилаётган маҳсулотлар рўйхати билан танишиш мақсадида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида GM Uzbekistan ва SamAvto автомобиллари бутловчи эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқараётган икки юздан зиёд қўшма ва хусусий корхона раҳбарлари ҳамда техник мутахассислар иштирок этди.

**ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

Самарқандга кираверишда MAN сервис ва дилерлик маркази ҳамда йиғиш заводининг замонавий корпуслари кўзга ташланади. Бу марказ бинолари шаклининг ўзига хослиги, атрофи чиройли қилиб безатилгани, энг муҳими, ҳовлида истеъмолчиларга жўнатиш учун тайёр қилиб қўйилган MAN юк машиналарининг тизилиб туриши барчанинг эътиборини ўзига тортади. MAN саноат комплексининг умумий майдони 44 гектардан иборат. «JV MAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонаси йилига 3 мингдан зиёд юк автомобили ишлаб чиқариш қувватига эга. Келгусида бу ерда иккинчи йиғиш линиясини ишга тушириш ва бир йилда 8 мингта машина ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Завод ҳудудига киришингиз билан сотиш учун тайёрлаб қўйилган янги автомобиллар диққатингизни тортади. Ушбу машиналар ишлаб чиқариладиган цехни ҳам кўздан кечирдим.

MAN заводи йиғиш цехининг бошлиғи Абдумалик Абдивоҳидов катта юк машиналарини ишлаб чиқаришнинг барча нозик жиҳатлари ҳақида сўзлаб берди. У билан бирга шассини йиғиш ва бўяш жараёнлари амалга ошириладиган, двигатель, трансмиссия ва ғилдираклар ўрнатиладиган ва тўлиқ йиғилган автомобиллар синовдан ўтказиладиган барча 18 станцияни айланиб чиқдик. Завод энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Станцияларнинг жойлашуви ҳар томонлама пухта ўйлангани кишини ҳайратга солади. Айниқса, улкан машина рамасига двигатель, кабина ва барча узеллар тез ҳамда аниқ монтаж қилинаётгани кишида катта таассурот қолдиради. Бу ерда ана шундай схема асосида ҳар куни 12-15 машина йиғилади.

Абдумалик Абдивоҳидовнинг айтишича, конвейердан бир пайтнинг ўзида харидорларнинг алоҳида буюртмаси асосида турли русумдаги юк машиналари чиқиши мумкин.

Заводда технологик жараённи кузатиш бўйича ноёб компьютерлаштирилган тизим қўлланилмоқда. Ҳар бир станцияда ўрнатилган 32 дюмли мониторда чизмалар, ҳар бир русумдаги машина ва уларга ишлов бериш бўйича қўлланма ҳақида батафсил ахборот акс эттирилган. Бу ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб, йиғиш жараёнида хатога йўл қўйишнинг олдини олади.

«JV MAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонаси бўйлаб экскурсия сўнгида менга ҳозиргина конвейердан чиққан MAN TGS 19.400 тягачида айланиб келишни таклиф этишди. Биз машина тест синовидан ўтказиладиган майдонга чиқдик. Синов аъло даражада ўтди. Таассуротларни сўз билан ифодалаш қийин. Негаки, MAN юк автомобилларида юқори даражада қулайлик, бежирим дизайн ва шинамлик мужассам эканига гувоҳ бўлдим. Айнан ушбу жиҳатлари, шунингдек, тежамкорлиги ва ишончлилиги учун ҳам ушбу машиналарга талаб катта.

**КАДРЛАР САЛОҲИЯТИ**

Заводда маҳсулот сифати ва ишончлилигини таъминлаш учун барча шароит яратилган. Замонавий ускуналар, илғор технологиялар ва малакали ходимлар билан таъминланган. Техникадан фойдаланиш яхши, аммо ушбу мураккаб жараёнда ўзининг билим ва салоҳиятини ишга солиб меҳнат қилаётган малакали ишчи-ходимлар муҳим ўрин тутади.

Юқори малакали кадрларни шакллантириш корхонани ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан биридир. Айни пайтда «JV MAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонасида қарийб 300 киши меҳнат қилаётир. Улар орасида ёшлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. 2013 йилда 45 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчиси жиддий синов ва танловдан ўтиб, ишга қабул қилинди ва яна 120 нафарга яқин талаба амалиёт ўтади.

Корхона кадрлар тайёрлаш масаласи юзасидан Турин политехника университети, Самарқанд автомобилсозлик ва Жомбой транспорт касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорлик қилмоқда, истеъдодли ёшларни иш билан таъминламоқда.

Улардан бири Зокиржон Зарипов бу йил Самарқанд автомобилсозлик касб-ҳунар коллежини битириб, «JV MAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонасига ишга қабул қилинди. Унинг айтишича, танловдан ўтиш жуда қийин бўлган. Негаки, бундай замонавий корхонада ишлаш истагида бўлган ёшлар кўп. Бугун у йиғиш цехида меҳнат қилмоқда ва ўз ишидан мамнун.

Дарҳақиқат, заводда меҳнат маданияти юқори, ишчи-ходимлар ўзаро аҳил ва самимий. Шунинг учун ҳам жамоа MAN бренди остида чиқаётган маҳсулотдан истеъмолчи мамнун бўлиши ва муносиб баҳолаши учун унинг сифати юқори бўлишини таъминлаш масъулиятини чуқур ҳис этган ҳолда самарали меҳнат қилмоқда.

Корхонанинг пухта ўйланган ижтимоий сиёсати юқори ишлаб чиқариш стандартларини сақлаш имконини бераётир. Махсус иш кийими, иссиқ овқат, тиббий ёрдам билан таъминлангани, мунтазам малака ошириш ва рағбатлантириб бориш йўлга қўйилгани жамоани янада самарали меҳнат қилишга ундаб, иш унумдорлигини оширишга ёрдам бераётир.

**МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ**

Самарқандга сафар давомида «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясининг «UzAuto Trailer» шўъба корхонасида ҳам бўлдим. Ушбу завод қурилиши Ўзбекистонда оғир юк кўтарадиган MAN автомобилларини ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш комплексини барпо этишнинг якуний босқичи бўлди. Корхонанинг асосий вазифаси кузов ва ярим тиркамалар, контейнер, автомобиль ташиш машиналари, тентли ярим тиркама ва бошқа техника ишлаб чиқишдан иборат.

Айни пайтда бу ерда самосвал кузовлари ишлаб чиқарилмоқда. Тентли тиркама ва ярим тиркамалар синов тариқасида ишлаб чиқарилаётир. Натижада MAN заводида йиғилган шассилар янги корхонада жиҳозланиб, конвейердан тайёр самосвал ва тентли фургонлар кўринишида истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Заводнинг ишлаб чиқариш майдонларида металлга, листли ва профиль прокатга ишлов берилиб, MAN шассисидаги усти ёпиқ ва тиркама техникани пайвандлаш, монтаж қилиш ишлари амалга оширилиб, тайёр техника синовдан ўтказилмоқда.

Ишлаб чиқариш майдонининг катта қисмини листли ва профиль металл прокатини кесиш ҳамда унга ишлов бериш участкаси ташкил этади. Бу ердаги ускуналар ўзининг улканлиги билан кишини ҳайратга солади. Технологик жараён тўлиқ автоматлаштирилган. Махсус таълим олган ёшлар мураккаб конструкцияларни мунтазам кузатиб боради. Улар ўз ишини аъло даражада уддалаётгани туфайли ҳар бир деталь пухта тайёрланади. Масалан, Оқдарё сервис касб-ҳунар коллежи битирувчиси Наврўз Баҳромов яқинда механика-йиғиш цехига чилангар бўлиб ишга кирди. У коллежда ўқиш давомида эгаллаган назарий билимини бу ерда амалда самарали қўлламоқда.

Юксак технологияли ишлаб чиқариш, сифатли техника, юқори ўсиш суръатлари ва ривожланиш истиқболига эга оғир юк автомобиллари ишлаб чиқараётган замонавий «JV MAN Auto-Uzbekistan» ва «UzAuto Trailer» корхоналари мамлакатимиз иқтисодиётининг янги тармоғини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
**ЎзА махсус мухбири.**

# Саломатлик – ободлик омили

## СПОРТ ЭСА САЛОМАТЛИК ГАРОВИДИР

**“Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банкида оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони, “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони соҳиби Руслан Нурудинов ҳамда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи Улуғбек Алимов билан учрашув бўлиб ўтди.**

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатни дунёга танитишда спортнинг аҳамияти жуда катта. Спортчиларимизнинг жаҳон спорт майдонларидаги ютуғи туфайли юртимизни дунё бирдек танимоқда. Шубҳасиз, муваффақиятлар замирида спортга эътиборнинг самараси жуда улканлигини барчамиз ҳис қилиб турибмиз.

Айниқса, спорт иншоотларини бунёд этиш, уларда барча шарт-шароитларни яратиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда тадбиркорларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда. Улар кўмагида шаҳару қишлоқларимизда бунёд этилган замонавий спорт иншоотларида минглаб ёшлар спорт билан ошно тутинмоқда. Бу ерда тарбияланиб, чиниқиб нуфузли мусобақаларда юртимиз шарафини ҳимоя қилмоқда. Банк томонидан тадбиркорларнинг ана шундай истиқболли ва хайрли ташаббуслари молиявий қўллаб-қувватланиб келинаётир.

– Польшанинг Броцлав шаҳрида ўтказилган оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионатида терма жамоамиз билан юртимиз шарафини ҳимоя қилиб, совринлар билан қайтар эканмиз, кўнглимиз беҳад ифтихорга тўлган эди, – дейди Руслан Нурудинов. – Юртга қайтишимиз билан яна бир қувончли хабар эшитдик: Президентимизнинг фармони билан мен “Ўзбекистон ифтихори”, Улуғбек Алимов “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи” унвонлари билан тақдирланибмиз. Айни шу лаҳзаларда янада аниқроқ англадимки, биз спортчилар эришаётган ютуқларнинг асосий омили Президентимизнинг спортга, спортчиларга қаратаётган эътиборидир.

Мен ўн тўрт ёшимдан буён оғир атлетика билан шуғулланаман. 2009 йилда БААда ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида ғолиб бўлдим. 2011 йилда Францияда ўтказилган жаҳон чемпионатида штангани силтаб кўтариш бўйича кумуш медаль совриндори бўлдим. 2012 йилда Жанубий Кореяда Осиё чемпионлигини қўлга киритдим. Лондон олимпиадасида тўртинчи ўринни эгалладим. Шу йил Қозоғистонда ўтказилган қитъа чемпионатида учта олтин медаль билан тақдирландим. Жаҳон универсиадасида икки маротаба рекорд ўрнатдим. Жаҳон чемпионатида ҳам юртимиз байроғини баланд кўтарганимдан бахтиёрман.

Шу ўринда яна бир бор таъкидлашни истардимки, эришаётган барча муваффақиятларимиз замирида мамлакатимизда спортга қаратилаётган эътибор турибди. Бугун банк ходимлари билан учрашувда мамлакат иқтисодиётининг етакчи тармоғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг спортни



ривожлантириш борасидаги ибратли ишлари билан ҳам танишдим. Бундан ниҳоятда хурсанд бўлдим.

– Тадбиркорларнинг спортни ривожлантириш мақсадида олиб бораётган ишларини биргина маҳаллаларда бунёд этилаётган замонавий спорт майдончалари мисолида ҳам кўриш мумкин, – дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи Улуғбек Алимов. – Уларда ёш авлод бўш вақтини мазмунли ўтказмоқда. Бунинг аҳамияти жуда катта деб биламан. Ахир спорт — соғлик гарови. Саломатлик эса ободликнинг энг муҳим шарти. Муболағасиз айта оламизки, бугун маҳалла, қишлоқ спорт майдончасида спорт билан шуғулланаётган болалар эртанги жаҳон ареналарида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилади. Бугун спорт соҳасида Президентимизнинг эътиборини кўриб турибмиз. Буларнинг барчаси бизга катта руҳий куч ва мадад бағишлайди, фидойиликка, элу юрт хизматига камарбасталикка чорлайди.

Тадбирда молия муассасаси томонидан кенг кўламдаги маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиб келинаётгани, тадбиркорлар, банк ходимлари билан ташкил этилаётган учрашувларда мамлакатимизнинг барча соҳаларда эришаётган ютуқлари эътироф этилаётгани таъкидланди. Бундай учрашувлар тадбиркорлар кўнглида эртанги кунга ишонч туйғусини мустаҳкамлаб, янги-янги режалар, янги-янги мақсадлар билан тараққиёт сари дадил одимлашга ундамоқда. Юрт тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини таъминлашдаги масъулиятини оширмоқда.

**Наргиза ҲОТАМОВА**

○ Эълонлар

# «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Навоий вилояти Кармана тумани ҳокимининг 2013 йил 13 ноябрдаги 02-42/221-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи қўйилмоқда:**

**1.** Кармана тумани Қ.Каршиев кўчаси ҳудудидан 1030,0 кв. метр бўлган "Болалар дунёси" савдо комплекси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 544 850 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Кармана тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик) ва 2013 йил 18 декабрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Кармана тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 19 декабрь куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 19 декабрь куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини АТИБ "Ипотека банк" Навоий шаҳар филиалидаги: МФО 00205, СТИР 207122519, 20208000504920609007 ҳ/р.га тўлашлари шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

**Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:**

*- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;*

*- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.*

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили:** Навоий вилояти Навоий шаҳар П.Очилов кўчаси 24-уй. (8-436) 224-15-61, user07@inbox.uz. www.1kms.uz. **Лицензия** RR 0001.

ООО “IRON PRESS” (ИНН 207190482) зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на г. Ташкента расположенное по адресу: ул. Чопоната 52-14 ликвидируется (протокол собрания № 1 от 12.11.2013 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 988-60-94.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 003352-07, 21.11.2012 й.) давлат рўйхатига олинган “PAPER AND PLAST PRODUCT” МЧЖ унга “ASIA PAPER GROUP” МЧЖнинг (реестр № 002732-07, 04.03.2011 й.) қўшилишини ва “PAPER AND PLAST PRODUCT” МЧЖ “ASIA PAPER GROUP” МЧЖнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланиб, уларнинг барча ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари юзасидан жавоб беришини маълум қилади.

Тошкент ш. Мирobod т. ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган (СТИР 300845016) “RAMIRUS CAPITAL” ХК 12.11.2013 й.даги қарорига асосан тугатилаётганини маълум қилади. Эътирозлар 2 ой давомида қабул қилинади.

Навоий вилояти

САНЪАТ

# ИСТИҚЛОЛНИ ТАРАННУМ ЭТАЁТГАН «ИСТИҚЛОЛ»

**Рақс – асрлар давомида сайқалланган санъат. Унинг тарихи ҳам, жозибаси ҳам бир олам. Куй-қўшиққа ҳаракат, ҳолат, имо-ишораларнинг уйғун бўлиши кишига завқ ва шавқ бағишлайди. Беихтиёр сиз ҳам унга қўшилиб, туйғуларингизни ифода этгингиз келади. Аммо раққосу раққосаларнинг хатти-ҳаракатини кузатар экансиз, бунинг учун катта маҳорат кераклигини англаб етасиз.**



“Навоийазот” очиқ акциядорлик жамияти “Ширин” маданият саройида машғулот олиб борилаётган пайтда бизни ҳам шундай ҳислар қамраб олганди. Бир-биридан чаққон ўғил-қизларнинг жозибали рақси бизни мафтун этганди. Бу — жамиятнинг “Истиқлол” бадиий жамоаси аъзолари. Жамоа раҳбари Ором Ғоибованинг машғулот олиб боришини кузатиб, завқланасиз. Рақсни қунт билан ўрганган одам уни маҳорат билан ижро этиши мумкин, аммо уни бошқаларга ўргатиш, кишидан катта маҳорат ва машаққатни талаб этади. Ором опада буларнинг барчаси мужассам эди. Унинг ҳар бир ишида касбига меҳр кўриниб турарди.

– Машғулотга келаётган болаларга битта рақсни ўргатиш учун камида олти ой керак бўлади, – дейди “Ширин” маданият саройи бош режиссёри Салим Мамадиёров. – Шу ўринда айтиб ўтсак, “Истиқлол” рақс дастасига 5 ёшдан 20 ёшгача бўлган 150 нафардан зиёд ўғил-қиз қатнашади. Турли ёшдаги ва турли характердаги ёшлар кўнглига йўл топиш, уларга машғулотларни қизиқарли ўтиш, ҳар бир ҳаракатни қунт билан ўргатиш осон иш эмас, албатта. Ором Ғоибова буни маҳорат билан уддалаб келаётир, бу жараёнда барчага ўрнак бўлмоқда. Мана шу жиҳатлари билан у жамоада катта обрў-эътибор қозонди.

Ором опа машғулотни тугатди. Атрофини ўраб олган болаларга керакли вазифаларни бериб, бизга юзланди. Опанинг рақс ҳақидаги суҳбатидан ҳам завқ оламиз.

– Ўзбек рақс санъатининг ўзига хос хусусиятлари кўп, – дейди Ором Ғоибова. – Халқимизда рақс мазмунини ифода этишда қарсак, тепки, зангдан фойдаланилади. Қолаверса, рўмол, пиёла, қадаҳ каби буюмлар билан ҳам ижро этилади. Баъзан ижрочи чолғу асбобларида ўзига ўзи жўр бўлади. Шарқ рақс санъатининг асосий воситалари қўл ва тана ҳаракатлари бўлса, ғарбда асосан оёқ ҳаракатлари муҳим ўрин тутади. Саҳнавий рақслар ҳам халқ ижодига таянади. Фаолиятимизда уни янада такомиллаштириш, ривожлантиришга ҳаракат қилиб келяпмиз.

Ором опа 21 йилдан буён шу даргоҳда ишлайди. Унинг ишига фидойилиги, меҳнатсеварлиги боис ушбу рақс дастаси юзага келган. Истиқлолнинг дастлабки йилларида Малика Жабборова билан ушбу рақс дастасини ташкил этиб, унинг фаолиятини йўлга қўйишди, номини “Истиқлол” аташди. Мана, ўтган йиллар давомида унинг қанчадан-қанча тарбияланувчилари санъат оламига қадам қўйишди. Жамоанинг ёш аъзолари кўплаб нуфузли тадбирларда, фестивалларда юқори ўринларни қўлга киритишди. Яқиндагина эса жамоанинг катта ёшли қизлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида миллий рақсларимиздан намуналар ижро этишди, иштирокчиларнинг олқишларига сазовор бўлишди. Ором опанинг кўплаб шогирдлари айни вақтда катта санъат даргоҳларида фаолият юритмоқда, катта саҳналарда санъатини намойиш этишмоқда.

– Яқиндагина шу ерга ишга келганимга қарамай Ором опадан кўп нарсани ўрганяпман, – дейди Лола Раҳматуллаева. – Машғулот ўтиш усуллари, тарбияланувчилар билан ишлашнинг ўзига хос нозик жиҳатлари бор экан. Иш юзасидан бирон маслаҳат сўрасак, у киши эринмай тушунтиради. Доимо очиқ юз билан йўл-йўриқ кўрсатади.

Халқимизнинг меҳнат қилган элда азиз, деган нақли мағзини Ором опанинг фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Ором Ғоибова мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги байрами арафасида Президентимизнинг Фармонига биноан “Шуҳрат” медали билан тақдирланди.

Унинг истеъдод ғунчаларини камол топтиришдек, уларга санъат сирларини ўргатишдек машаққатли ва шарафли иши ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда. Касбга меҳри, санъатга ошуфталиги эса Ором опани янги марраларга, янги муваффақиятларга олиб боришига ишонамиз.

**Раъно РАББИМОВА**




## ЭГИЛУВЧАН СМАРТФОНЛАР

**“Samsung Galaxy Round” қаттиқ корпусга жойлаштирилган дунёдаги биринчи эгилувчан дисплейли смартфонга айланди.**



Унинг дизайни «Samsung Galaxy S4”ни эслатади. Қурилма корпуси пластикдан тайёрланган бўлиб, вертикал ўқ атрофида енгил эгилган шаклга эга. Аппаратнинг қаттиқ корпусига жойлаштирилган қайишқоқ дисплей ҳам худди шу шаклни такрорлайди.

“Galaxy Nexus” каби аппаратлардан фарқли ўлароқ, “Galaxy Round”нинг фақат дисплейи эгилувчандир. Бу дисплейнинг диагонали 5,7 дюймни, ечими 1920 х 1080 пикселни (Full HD) ташкил этади. Смартфон корпусининг қалинлиги – 7,9 мм., оғирлиги эса – 154 г. Мусиқа тингланаётган пайтда чап ёки ўнг четига босилса, треклар олдинга ёки орқага ўтади. Ушбу мобиль қурилма 2,3 ГГц частотага эга 4 ядроли процессор, 3 ГБ оператив хотира, ечими 13 мегапикселли асосий камера билан жиҳозланган. “Android 4.3” операцион тизимида ишлайди. Телефон LTE тўртинчи авлод мобиль алоқа стандартини қўллайди.

## ЭЛЕКТР ВЕЛОСИПЕДЛАР

**Энди Лондон кўчаларида электр велосипедлари пайдо бўлади. Мазкур транспорт туридан йўлларнинг қийин участкаларида фойдаланиш мумкин бўлади.**



Шаҳар мэри томонидан ташкил этилган Велоспорт жамғармаси янги велосипед намуналарини сотиб олиш ва уларни зарядлаш учун янги док-станцияларни ташкил этиш учун 900 миллион евродан ортиқ маблағ ажратадиган бўлди. Электрон велосипедлардан полиция ходимлари ҳам фойдаланади, ушбу транспорт воситаси тиғиз пайтда жиноятчиларни муаммоларсиз таъқиб қилишга ёрдам беради.

## 3D ТИШ ЧЎТКАЛАРИ

**Тиниб-тинчимаган олимлар нафасни мусаффо қилиб, тишларни бор-йўғи олти сонияда тозалаш имконини берувчи махсус чўткани яратди. Тез тозалаш жараёни янги 3D технологиясига асосланган.**

Ушбу инновацион чўтка кўплаб майда туклар билан қопланган бўлиб, иккита махсус қапдан иборат. Тукларнинг сони 600 тага етади. Тишларни тозалаш учун фойдаланувчи қурилмани тишлари билан босиши ва чайнаш ҳаракатларини амалга ошириши керак. Олимларнинг сўзларига кўра, тишларни сифатли тозалаш учун олти сония етарли бўлади. Бунинг устига ҳеч қандай тиш пастаси ҳам талаб этилмайди.



Янги ихтиронинг энг катта камчилиги – унинг нархи. Ҳозир ушбу аксессуарнинг қиймати 299 долларни ташкил этмоқда.

## МИНИ-МЕТРО СИНОВДАН ЎТКАЗИЛЯПТИ

**Буюк Британияда янги транспорт турини синовдан ўтказиш ишлари бошланди. “ULTra PRT” деб номланувчи ушбу транспорт воситаси ташқи кўринишидан кичкина метро вагонини эслатади. Унинг салони юксиз 4 кишига ёки юк билан 2 кишига мўлжалланган.**



Йўловчилар транспортни смартфон орқали чақиртириши мумкин. Бир марталик чипта нархи 2 фунтни ташкил этади. Вагонча тўлиқ автоматлаштирилган бўлиб, бошқарув датчиклар ва борт компьютери ёрдамида амалга оширилади. Машинани электр мотори ҳаракатга келтиради, унинг ўртача ҳаракатланиш тезлиги соатига 20 километрни ташкил этади. Ишлаб чиқарувчиларнинг сўзларига кўра, бу шаҳар марказида, ишбилармонлар районида ва вокзал яқинида ташувларни амалга ошириш учун етарли. 100 га яқин “ULTra PRT” транспорт воситаси 2015 йилгача тест режимида ишлайди. 2017 йилда эса британияликлар тўлиқ функцияли транспорт тизимини ишга туширишни режалаштирган.

**Интернет материаллари асосида тайёрланди.**

БИЛАСИЗМИ?

**Кимдир шовқинли мусиқа садоларини хуш кўрганлиги боис, доимо мусиқа ҳамроҳи бўлишини истайди. Бошқа биров эса аксинча, мусиқа тинглашни, шовқинни ёқтирмайди. Мутахассисларнинг фикрича, бу ҳолатлар инсоннинг шовқинни қабул қилиши билан боғлиқ экан.**

## ШОВҚИННИНГ ТАЪСИРИ КИМГА ҚАНДАЙ?

Баъзи кишиларда шовқинга нисбатан ортиқча сезувчанлик бўлади. Бундай ҳолатдаги кишиларнинг ички қулоғи бошқаларникига нисбатан кучлироқ ривожланган бўлади. Ички қулоқни эса қайта тиклашнинг иложи йўқ. Эшитиш қобилияти паст бўлган одамлар учун ҳам шовқин оғриқ келтириши мумкин.

Психологларнинг таъкидлашича, “буюртма қилинмаган” шовқин руҳиятга “ҳужум” қилади. Натижада кишининг томир уриши, нафас олиши тезлашади. Мускулларнинг беихтиёр тортишишига олиб келади.

Инсон кайфияти кўтаринки бўлганда шовқинга аҳамият бермаслиги мумкин. Аммо асабийлашганда, тушкун кайфиятда шовқин инсонга салбий таъсир этади.

Шовқин айрим ҳолларда бош мия фаолиятининг сустлашишига олиб келади. Бу ўз ўрнида ишга лаёқатсизлик, эътиборни бир жойга тўплай олмаслик, кучли толиқишга сабаб бўлади. Бундай ҳолат юракка ҳам салбий таъсир кўрсатади: юрак уриши тезлашиб, қон босими кўтарилади ёки аксинча, тушади, мия томирларида қон айланиши бузилиши мумкин. Шовқин яна ички секреция безлари фаолияти бузилиши, юқумли касаллик ва яллиғланишга қарши иммунитетнинг тушиб кетиши, шунингдек, аллергия ривожланишига ҳам олиб келар экан.

Шовқин ичида ишлаётган ёки кўп вақтини шовқинли жойларда ўтказадиган одамлар бош оғриғи ёки айланиши, эслаш қобилиятининг сусайиши, тез чарчаш, уйқуга тўймаслик, иштаҳа буғилиши, тез-тез терлаш ва юрак санчишидан шикоят қиладилар.

Мутахассислар таъкидлайдики, ўзингизни шовқиндан ҳимоя қилиш учун кунига 3-4 соат давомида тоза ҳавода сайр этиб, доимий равишда мева ва сабзавотлар истеъмол қилиб туриш лозим.

**Наргиза ҲОТАМОВА тайёрлади.**

Қорақалпоғистон Республикаси

САЛОМАТЛИК

# ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими томонидан аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни вояга етказиш, ёшлар ўртасида тиббий маданиятни ошириш борасида қатор ишлар олиб борилмоқда.**

Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2009 йил 1 июлдаги “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги Қарорлари ижросини таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда қўшма қарор қабул қилганмиз, — дейди Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бош мутахассиси Арухон Келимбетова. — Мазкур қарор доирасида жойларда қишлоқ врачлик пунктлари ва шошилинч тиббий ёрдам хизмати раҳбарларининг ҳисоботлари тингланиб, мавжуд муаммолар ҳал қилиб келинмоқда.

Маҳалла ва овул фуқаролар йиғинларида мунтазам ўтказиб бориладиган “Саломатлик кунлари” доирасида мутахассислар иштирокида давра суҳбатлари, семинарлар ва учрашувлар ташкил этилмоқда.

Бундан ташқари, фуқаролар йиғинлари қошида махсус жамоатчилик кенгашлари фаолият олиб бормоқда. Мазкур кенгаш томонидан хотин-қизлар ўртасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Жумладан, оналар ўртасида туғиш оралиғини сақлашнинг аҳамияти, қизларни эрта турмушга беришнинг салбий оқибатлари бўйича берилаётган тушунчалар оилаларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда тиббий-патронаж ҳамширалари билан ҳамкорликда оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ҳам ўрганиб чиқилмоқда. Бу каби тадбирлардан кўзланган мақсад фуқаролар саломатлигини асраш, улар ўртасида тиббий маданиятни оширишдир.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ, “Qishloq hayoti” мухбири.**

○ Реклама ва эълонлар

**АГРОТЕХНИКА**

~ Беларус 80Х ~ Беларус 82.1 ~ Беларус 1025
~ Боғ ва ферма учун тракторлар
~ Гусеницали тракторлар
~ Прессподборщик
~ Ғўзапоя ўрадиган комбайн
~ Ўт ўрадиган комбайн
~ Макка ўрадиган комбайн
~ Жўхори йиғувчи комбайн
~ Косилка КИР 1,5
~ Сомон йиғувчи мосламалар
~ Картошка терадиган комбайн
~ Картошка экадиган комбайн
~ Буғдой экадиган сеялка
~ Пахта экадиган сеялка
~ Дори сепадиган мосламалар
~ Сачратиб суғорувчи мосламалар
~ Ем майдалаб тарқатувчи техника
~ Культиваторлар
~ Плуг, айланма плуг, дискали плуг (+99871) 150-58-58
~ Чизель, борона 150-68-68
~ Экскаватор погрузчик, бульдозер
~ Траншеекопатель, ямобур

Сайт: www.sninvest.uz
E-mail: info@sninvest.uz
SN INVEST Маҳсулот сертификатланган Буюртма асосида

Маҳсулотлар сертификатланган, хизматлар лицензияланган.

АГРОМАШ

ЧЕТ ЭЛ КОРХОНАСИ МЧЖ «АГРОМАШХОЛДИНГ-ТАШКЕНТ»
ТАКЛИФ ЭТАДИ:
ВТ-150, ВТ-100 ВА ДТ-175 РУСУМЛИ ҲАЙДОВ ТРАКТОРЛАРИ УЧУН ЗАНЖИРЛАР ВА БОШҚА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР.

Тошкент ш., Ниёзбек Йўли кўчаси, 1. Тел.: + 998 71 120 96 00/10;
Факс: +998 71 234 89 88; E-mail: info@chetra-tashkent.ru
Сайт: www.chetra-tashkent.ru

Утерянный Гувохнома № 005359-11, выданный 24.05.2010 г. Яккасарайским хокимиятом для ООО “Lutpiy” (ИНН 201308914) расположенного по адресу: г. Ташкент Яккасарайский р-н ул. У.Насыра д.28, считать недействительным.

ООО “TVS GRAND SERVIS” (ИНН 205321920) зарегистрированное в ИРСП при Хокимияте Мирабадского р-на г. Ташкента (№ 000714-03) объявляет о добровольной ликвидации с 15.11.2013 г. (решение единственного учредителя № 9 от 14.11.2013 г.). Претензии и требования могут быть заявлены в течение 2-х месяцев с момента опубликования настоящего сообщения по адресу: г. Ташкент ул. Т.Шевченко, 34.

Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат Кадастри бошқармаси томонидан Тошкент ш. Яккасарой т. У.Носир кўч. 28-уйда жойлашган “Lutpiy” (ИНН 201308914) МЧЖга № 5-692/006 реестр рақами билан 28.04.2010 й.да берилган Кадастр ҳужжатлари ва шу бинонинг эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи Кадастр бино Гувоҳномаси бекор қилинади.

ООО “SIYMO SERVIS” (ИНН 202674341) зарегистрированное в ИРСП Хамзинского р-на г. Ташкента (19.07.2010 г., гос. реестр № 002912-07) по решению участников “SIYMO SERVIS” от 13.11.2013 г. ликвидируется. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования настоящего объявления по адресу: г. Ташкент Хамзинский р-н ул. Камаши д. 36.

ООО “FLAMINGO ASO” (ИНН 204626407) Хамзинского р-на г. Ташкента сообщает об уменьшении Уставного фонда с 177 122 220 сум до 65 822 220 сум.

Утерянный план квартиры расположенной по адресу: г. Ташкент Яккасарайский р-н м-в Башлык д. 5 кв. 15 выданный БТИ Яккасарайского р-на на имя Ким Надежды Евгеньевны, считать недействительным.

Утерянный кадастр: 10070501015240 и план дома, расположенного по адресу: г. Ташкент Юнус-Абадский р-н ул. А.Буриева 1 проезд д. 4, выданный кадастровой службой Юнус-Абадского р-на г. Ташкента на имя Салихова Фахритдина Турсунбаевича, считать недействительным.

В связи с возобновлением деятельности ООО “KO'MIR SAVDO LUKS” (ИНН 301327255) Чиланзарского р-на, ранее опубликованное объявление в газете “Кишлок хаёти” за № 134 (8215) от 07.11.2013 г. о ликвидации ООО “KO'MIR SAVDO LUKS”, считать недействительным.

Утерянную аккредитационную карточку № 00002875 сроком с 31.05.2013 г. до 05.04.2014 г. выданную Министерством внешнеэкономических связей, инвестиций и торговли Республики Узбекистан Главе представительства на имя Muhammad Nasim Fahim, считать недействительной.

Утерянную справку № 1439 выданную Учтепинской службой Кадастра на имя Ахмедовой Надежды Сергеевны проживающей по адресу: Чиланзар 12-54-32, считать недействительным.










Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 401-29-59; Жиззах – (+99890) 297-44-09; Навоий – (+99891) 537-14-36; Наманган – (+99890) 278-95-87; Фарғона – (+99890) 407-76-03; Самарқанд – (+99891) 537-24-95; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.

Навбатчи муҳаррир: Ш.ЙЎЛДОШЕВ
Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: Ф.ТОИРОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. | Буюртма Г-1114, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 01.45 15396 нусхада босилди. Нашр индекси — 144 | Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй | E-mail: info@qishloqhayoti.uz | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. | “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. | 1 2 3 4 5